



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G'I

20 22 yil " 19 " декабрь

№ 330

Toshkent sh.

Соғлиқни саклаш тизимидағи тиббиёт муассасаларини автотранспорт воситалари билан таъминлаш меъёрлари ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сонли қарорига асосан вазирлик тизимида тез тиббий ёрдам хизматини маҳсус автотранспорт билан ҳамда соғлиқни саклаш тизими муассасаларини автотранспорт воситалари билан таъминлашни янада такомиллаштириш ва улар ишини тартибга солиш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Куйидагилар:

соғлиқни саклаш муассасаларини маҳсус тез тиббий ёрдам ва тиббий хизмат автотранспорт воситалари билан таъминлаш меъёрлари 1-иловага мувофиқ,

соғлиқни саклаш вазирлиги тизимидағи маҳсус тез тиббий ёрдам, шошилинч тиббий ёрдам, тиббий хизмат, тиббий хўжалик хизмат ва навбатчи автомашиналаридан фойдаланиш тартиби ҳамда маҳсус ёзувлар бўйича йўриқнома 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Соғлиқни саклаш вазирининг 2019 йил 3 июнданги “Соғлиқни саклаш вазирлиги тизимидағи тиббиёт муассасаларини автотранспорт воситалари билан таъминлаш меъёрлари ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 148-сонли бўйруғи, 2020 йил 24 марта “Соғлиқни саклаш тизимидағи тиббиёт муассасаларини автотранспорт воситалари билан таъминлаш нормативларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 80-сонли бўйруғи ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. Мазкур бўйруқ ижросини назорат килиш вазирининг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир

Б.Мусаев



Соғлиқни сақлаш вазирининг
2022 йил 19-декабрдаги
330-сонли буйруғига
1-ИЛОВА

**Соғлиқни сақлаш муассасаларини маҳсус тез тиббий ёрдам ва
тиббий хизмат автотранспорт воситалари билан таъминлаш
нормативлари**

1.	Тез тиббий ёрдам станциялари ва шаҳобчалари учун	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.01.2018 йилдаги ПҚ-3494-сонли қарор билан тасдиқланган “Тез тиббий ёрдам хизматини ихтисослаштирилган автотранспорт билан таъминлаш меъёрлари”га асосан
1.1.	Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун*	-13 000 аҳолига 1 дона замбилли маҳсус автомашина
1.2.	* маҳсус автомашиналар сонини белгилаш вақтида, аҳоли сони 7000 кишидан ортиқ бўлган айrim аҳоли пунктлари учун норматив кўрсаткичга (13000) кўра белгиланиши лозим	
2.	Реанимобиллар	Ҳар бир вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри учун тез тиббий ёрдам хизмати автомашиналар умумий сонидан 10 фоиз миқдорда
3	Халқаро М-39 автомобиль йўлининг Қамчик довони ҳудудий қисмига	Ҳар бир 20 км масофага 1 дона замбилли маҳсус автомашина (Довон йўлининг тиббий пунктлари ишини таъминлаш учун):
3.1	Довоннинг Тошкент вилояти ҳудудий қисми учун:	3 дона замбилли маҳсус автомашина
3.2	Довоннинг Наманган вилояти ҳудудий қисми учун:	4 дона замбилли маҳсус автомашина
4.	Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига	1 дона тиббий хизмат автомашинаси-Даволаш- профилактика ёрдами ташкиллаштириш хизмати учун; 1 дона тиббий хизмат автомашинаси-Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизмати учун; 1 дона тиббий хизмат автомашинаси-Иқтисодиёт,молиялаштириш ва қурилиш ишлари учун ;

4.1	Туман ва шаҳарлар тиббиёт бирлашмаларига	- 1 дона тиббий хизмат автомашинаси
4.2	Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш учун (оилавий ва марказий кўп тармоқли поликлиникаларга)	-ҳар 10 000 аҳоли учун 1 дона тиббий хизмат автомашинаси
4.3	Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиаллари учун:	-ҳар бир филиал учун 1 дона тиббий хизмат автомашинаси
4.4	Республика тез тиббий ёрдам маркази марказий аппрати учун:	-раҳбар учун 1 дона енгил хизмат автомашинаси; -сифат назорати ва филиаллар билан ишлаш бўйича хизмати учун 1 дона енгил автомашина; - АКТ ва умумий масалалар бўйича хизмати учун 1 дона енгил автомашина; - марказ учун 1 дона навбатчи автомашина;
4.5	Республика тез тиббий ёрдам марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиаллари учун:	-ҳар бир филиал учун 1 дона тиббий хизмат автомашинаси; -филиал марказлари учун 1 дона навбатчи автомашина;
5.	Диспансерлар учун:	
5.1.	-силга қарши	-шаҳар ва туман силга қарши диспансерлари учун ҳар бир муассасага 1 донадан кам бўлмаган ҳолда, 200 000 аҳолига 1 дона тиббий хизмат автомашина
		-вилоят силга қарши диспансерлари учун ҳар бир муассасага 1 донадан кам бўлмаган ҳолда, 500 000 аҳолига 1 дона тиббий хизмат автомашина
5.2.	-онкологик	-онкологик диспансерлари учун ҳар бир муассасага 1 донадан кам бўлмаган ҳолда, 250 000 аҳолига 1 дона тиббий хизмат автомашина
5.3.	-тери таносил	-тери таносил касалликлари диспанселари учун ҳар бир муассасага 1 донадан кам бўлмаган ҳолда, 500 000 аҳолига 1 дона тиббий хизмат автомашина
5.4.	-рухий- асаб	-рухий асаб касалликлари диспанселари учун ҳар бир муассасага 1 донадан кам бўлмаган ҳолда, 750 000 аҳолига 1 дона тиббий хизмат автомашина

5.5	- наркология	-наркология диспанселари учун ҳар бир муассасага 1 донадан кам бўлмаган ҳолда, 500 000 аҳолига 1 дона тиббий хизмат автомашина
5.6	-эндокринология	-ҳар бир муассасага 1 дона тиббий хизмат автомашинаси
5.7	Туманлараро диспансерларга	-ҳар бир муассасага 1 дона тиббий хизмат автомашинаси
6.	Туман ва қишлоқ аҳолисига тиббий ва даволаш-консультатив ёрдам кўрсатиш учун	-ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаси ва туман шифохонасига 2 дона замбилли ва 1 дона замбilsиз автомашина
7.	Қишлоқ оиласиий поликлиникаси учун	-ҳар бир ҚОПга 1 дона замбилли автомашина
8.	Клиник ва шифохона муассасалари (республика, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар шифохоналар, ихтисослаштирилган шифохоналар, кўп тармоқли катталар ва болалар тиббиёт марказлари, шошилинч тез илмий ёрдам маркази ва унинг филиаллари, болалар шифохоналари, туғруқ комплекслари ва перинатал марказлари, клиникалар, шу жумладан марказлар, илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари, институт ва олий ўкув юртлари клиникалари) учун:	-бемор ўрни 80 тадан 100 тагача бўлган ҳар бир шифохона ёки клиникага 1 дона куну-тун хизмат учун замбилли автомашина
8.1.		-бемор ўрни 100 тадан-200 тагача бўлган ҳар бир шифохона ёки клиникага 1 дона замбилли куну-тун хизмат учун ва 1 дона замбilsиз автомашина
8.2.		-бемор ўрни 200 тадан ортиқ бўлган ҳар бир шифохона ёки клиникага 1 дона замбилли куну-тун хизмат учун ва 2 дона замбilsиз автомашина (тез тиббий ёрдам бўлимлари станциялари ва шоҳобчаларини ҳисобга олмаган ҳолда)
8.3.		-болалар бўлимлари (оналари билан госпитализация қилинган) мавжуд бўлган ҳар бир шифохона ёки клиникага кўшимча 1 дона замбилли автомашина
9.	Сил касалликлари ва бошқа ихтисослаштирилган бюджет ҳисобидаги санаторийлари учун	-бемор ўрни 100 тагача бўлган ҳар бир санаторияга 1 дона замбилли автомашина

9.1		-бемор ўрни 200 тагача бўлган ҳар бир санаторияга 2 дона замбилли автомашина
9.2		-бемор ўрни 200 тадан ортиқ бўлган ҳар санаторияга 3 дона замбилли автомашина
10.	Республика Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, туман, туманлараро бўлинмалари(пунктлари) учун:	
10.1.	Республика Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази учун:	a) 3 дона замбилсиз ва 1 дона тиббий хизмат автомашинаси
10.2.	Тошкент шаҳар филиали ва унинг туманлараро пунктлари учун	а) аҳолининг ҳар 500 000 кишисига мўлжалланган туну-кун мурдаларни олиб келиш учун 1 дона замбилли маҳсус автомашина; б) туманлараро бўлинмалар (пунктлар)дан аутопсия материаллари олиб келиш учун ва 3 дона замбилсиз тиббий хизмат автомашинаси
10.3.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар филиаллари ва уларнинг туман, туманлараро бўлинмалари (пунктлари) учун:	а) аҳолининг ҳар 500 000 кишисига мўлжалланган туну-кун мурдаларни олиб келиш учун 1 дона замбилли маҳсус автомашина; б) вилоят филиалларига 1 дона замбилсиз тиббий хизмат автомашинаси; в) ҳар бир туман ва туманлараро пунктларига аутопсия материалларини филиалга етказиш учун ва 1 донадан замбилсиз тиббий хизмат автомашинаси
11.	Республика ортирилган имунитет танқислиги синдроми (ОИТС)га қарши кураш маркази учун:	3 дона замбилли автомашина, ҳудудларга ретровирусга қарши дори воситаларни ташишга 2 дона рефрижератор автомашинаси
11.1.	Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар, вилоятлар ОИТСга қарши кураш марказлари учун:	1 000 000 гача аҳоли сонига 2 дона замбилли автомашина
12.	Республика Патологоанатомик бюроси учун:	Республика миқёсидаги тиббий муассасалардан: а) мурдаларни олиб келиш учун 2 дона замбилли маҳсус автомашина; б) операцияда олинган ва биопсия материалини олиб келиш учун 1 дона тиббий хизмат автомашинаси

		в) мурдаларни вилоятларга етказиб бериш учун 1 дона маҳсус замбилли автомашина
12.1	Тошкент шаҳар патологоанатомик бюросига:	Тошкент шаҳар тиббиёт муассасаларидан: а)мурдаларни олиб келиш учун 1 дона замбилли маҳсус автомашина; б) операцияда олинган ва биопсия материалини олиб келиш учун 1 дона тиббий хизмат автомашинаси
12.2.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар патологоанатомик бюролариға:	Аҳолининг 500 000 кишисига 1 дона замбилли автомашина
12.3.	-туманлараро борога бириктирилган ДПМларига ҳамда 50 км радиусда бўлган 5 та кўшни туман ДПМларига	1 дона замбилли автомашина ҳар бир туманлараро патологоанатомик бюросига
13.	Шаҳарлар ва туманлар СЭОЖСХлари учун:	
13.1.	Санитария ҳолатини назорат қилиш ҳамда юқумли касалликлар ўчоғида эпидемиологик текширувларни ўтказиш шунингдек, эмлаш препаратларни даволаш-профилактика муассасалариға етказиш учун	Ҳар бир СЭОЖСХга 1 дона замбилсиз тиббий хизмат автомашина
13.2.	юқумли касалликлар билан касалланган беморларни ташиш ва яқунловчи дезинфекция ўтказиш учун	Ҳар бир СЭОЖСХга 1 дона замбилли тиббий хизмат автомашина
13.3.	б) ўта хавфли юқумли касалликлар, шу жумладан вабо қўзғатувчисини сувда ва куйдирги касаллиги қўзғатувчисини худудларда аниқлашда сувдаги тупроқдан намуналар олиш ва уларни лабораторияларга етказиш учун	Ҳар бир СЭОЖСХга 1 дона замбилсиз тиббий хизмат автомашина
14.	Республика СЭОЖСХ лаборатория комплекси ва вилоятлар СЭОЖСХлар учун:	
14.1.	вилоят худудларни санитария ҳолатини ўрганиш, мониторинг ва бошқаришни назорат қилиш, сурункали ва ўткир заҳарланишлар, аҳоли яшаш худудларини кимёвий,	Ҳар бир СЭОЖСХга 1 дона замбилсиз тиббий хизмат автомашина

	биологик ва радиациявий ҳолатини баҳолаб тегишли профилактик-эпидемияга қарши комплекс чоратадбирларни ташкил этиш учун	
14.2.	эмлаш препратлари олиб келиш ва худудларга етказиш, иммунопрофилактика тадбирларини бошқариш ва назорат қилиш учун лаборатория хизматини ташкил этиш, атроф мұхитлар ва турли ишлаб чиқариш корхоналаридан намуналар олиш учун	Ҳар бир СЭОЖСХга 1 дона замбilsiz тиббий хизмат автомашина
14.3.	лаборатория хизматини ташкил этиш, атроф мұхитдан ва турли ишлаб чиқариш корхоналаридан лаборатория намуналар олиш учун	Ҳар бир СЭОЖСХга 1 дона замбilsiz тиббий хизмат автомашина
14.4.	юқумли ва ўта ҳавфли карантин касалликлар ўчоқларида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш учун	Ҳар бир СЭОЖСХга 1 дона замбilsiz тиббий хизмат автомашина
14.5.	Эпидемик хавф мавжуд худудларда ва фавқулодда ҳолатларда штаб ташкил этиш, эпидемиологияк чоратадбирларни ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш гурухи учун	Ҳар бир СЭОЖСХга 1 донадан микроавтобус
14.6.	Кўчма маҳсус автолаборатория	Ҳар бир СЭОЖСХга 1 донадан
15.	Аҳолини соғлом турмуш тарзини кўллаб қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази учун:	2 дона замбilsiz автомашина
15.1.	Қоракалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар, вилоятлар ҳудудий бўлимлари учун:	1 дона замбilsiz автомашина
16.	Тиббиёт лицейлари ва коллежларига, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтинослаштириш маркази ва унинг ҳудудий бўлимларига	Ҳар бир ўқув муассасига 1 дона замбilsiz енгил автомашина
17.	Тиббиёт олий таълим муассасалари ва филиаллари учун:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2017 йил 21 февралда 2859-сон билан рўйхатга олинган “Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари”нинг 50- бандига асосан;

17.2.	талабалар сони 5000 нафаргача бўлганда	1 дона махсус автомашина (юк автомашина ёки автобус)
17.3.	талабалар сони 5000 нафардан кўп бўлганда	2 дона махсус автомашина (юк автомашина ва автобус)
18.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси учун:	1 дона замбилсиз тиббий хизмат автомашина
18.1	Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар, вилоятлар ҳудудий бўлимлари учун:	1 дона замбилсиз тиббий хизмат автомашина
19.	Шаҳарлар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларининг муассасалари, шифохона, клиникаларнинг чиқинди ва оқова сувлари ўраларини тозалаш учун(канализация тармоғи бўлмаган)	1 дона махсус автомашина
20.	Республика шошилинч тиббий ёрдам Маркази, унинг Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятлар филиалининг санитар- авиация хизмати учун	500 000 аҳоли сонига 1 дона куну-тун замбилли автомашина
21.	Соғлиқни сақлаш тизимидағи автохўжаликлар ва тез тиббий ёрдам маркази автотранспорт хизмати учун:	<p>а) автомашиналар сони 50 тадан 80 тагача бўлганда:</p> <p>1 дона автомашина автохўжаликнинг фойдаланиш хизматига</p> <p>1 дона автомашина харакат хавфсизлиги хизматига</p> <p>б) Автомашиналар сони 80 тадан 200 тагача бўлганда:</p> <p>1 дона автомашина автохўжаликнинг фойдаланиш хизматига</p> <p>1 дона автомашина харакат хавфсизлиги хизматига</p> <p>1 дона автомашина автохўжаликнинг техник ва хўжалик ишлари хизматига</p> <p>в) Автомашиналар сони 200 тадан ва ундан ортиқ бўлганда:</p> <p>1 дона автомашина автохўжаликнинг фойдаланиш хизматига</p> <p>1 дона автомашина харакат хавфсизлиги хизматига</p> <p>1 дона автомашина автохўжаликнинг техник ва хўжалик ишлари хизматига</p> <p>1 дона автомашина автохўжаликнинг навбатчи ва назорат хизмати учун</p>
22.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1 дона махсус автомашина харакат хавфсизлиги хизмати учун

Изоҳ:

1. Ушбу рўйхатга кўзда тутилмаган муассасаларни автотранспорт воситалари билан таъминлаш ҳар бир муассаса фаолиятига кўра, ишлаб чиқилади (Рес.УКЎҲЮКММ, қон қўйиш станциялари, лепрозиялар, болалар уйлари, врачлик-жисмоний тарбия диспансерлари ва бошқа муассасалар).
Тиббий хизмат автомашиналари билан таъминлаш даражаси ишлаб чиқилаётганда аҳоли сони, хизмат қўрсатиш радиуси ва аҳоли пунктлари сонига эътибор қаратиш керак.
2. Тиббий олий ўқув юртлари клиникаларини автомашиналар билан таъминлаш даволаш муассасаларини автотранспорт билан таъминлаш нормативларидан келиб чиқади.

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2022 йил 19-декабрдаги
330-сонли буйруғига
2-ИЛОВА

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи махсус тез тиббий ёрдам,
тиббий хизмат, тиббий хўжалик хизмат ва навбатчи
автомашиналардан фойдаланиш тартиби ҳамда махсус ёзувлар
бўйича йўриқнома**

1. Тез тиббий ёрдам махсус автомашиналари. Бу турдаги махсус автомашиналардан тез тиббий ёрдам бўлимлари ва шаҳобчаларда ахолидан шошилинч тушган чақириқларга хизмат кўрсатиш учун фойдаланилади.

Ушбу махсус автомашиналарда чақириққа асосан беморга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилади, зарурат туғилганда беморни касалхонага олиб борилади.

2. Эпидхизмат махсус автомашиналари. Бу турдаги махсус автомашиналардан юқумли касалларни ташиш, санитария ва эпидимиологик хизматларни бажариш учун фойдаланилади.

3. Тиббий хизмат махсус автомашиналари. Бу турдаги махсус автомашиналардан тиббиёт муассасаларида, поликлиникаларда, туғруқхоналарда, қон хизмати, вазирлик тизимидағи тиббиёт олий ўкув юртларида, илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг клиникаларида, суд-тиббиёт экспертиза бюроларида, санаторияларда, СЭОЖСХ ларида ва тизимдаги бошқа муассасаларида тиббий хужалик ишларида фойдаланилади.

Тиббий хизмат махсус автомашиналардан дори-дармон, тиббий асбоб-ускуна анжомлари ташиш, қон ва бошқа тахлилларни (ОИТС, RW) марказлашган лабораторияларига олиб бориш, беморларни тиббиёт муассасасига кўчириш, консультант шифокорларни тунги вақтда, дам олиш ва байрам кунлари шошилинч вазиятларда уйидан олиб келиш, банкдан маблағларни олиб келиш ва топшириш учун ишлатилади.

Шунингдек, оилавий поликлиникаларга бириктирилган автомашиналардан патронаж хизматида, яъни ўзларига бириктирилган худудда истиқомат қилувчи фуқароларни диспансеризациядан ўтказишида ва кексалар ҳамда ногиронлар холидан хабар олишда фойдаланилади. Тиббиёт муассасаларига бириктирилган автомашиналар шошилинч равишида керак бўладиган қон препаратларини олиб келишда, дори-дармон ташишда, кечикириб бўлмас холларда беморларга тор мутахассислар консультацияси олиш зарурияти туғилганда ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларидан мутахассис олиб келишда фойдаланилади.

4. Санитар авиация хизмати махсус автомашиналари.

Ушбу ёзувли махсус автотранспорт воситалардан ахолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш имкони йўқлиги, жумладан касални яшаш жойидаги тиббиёт муассасаларида тиббиёт асбоб-ускуна ва ихтисослаштирилган мутахассислар мавжуд эмаслиги сабабли, беморга малакали мутахассис олиб бориш ёки беморни керакли тиббиёт муассасага етказиш мақсадида, Республика

шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудий филиаллари “Санитар авиация” бўлимларидан тушган чақириқларга хизмат кўрсатишида фойдаланилади.

5. Тиббий хўжалик хизматидаги автомашиналар қўйидаги ишларни амалга оширади:

Тиббиёт муассасаларида, поликлиникаларда, туғруқхоналарда, қон хизмати муассасаларида, суд-тиббиёт экспертиза бюrolарида хўжалик иш фаолиятини ташкил этиш учун дори-дармон воситалари, тиббий асбоб ускуналарни, тиббий кислород балонларини, озиқ-овқат махсулотларини, майший чиқиндилар ва турли юкларни ташишда ҳамда тиббиёт муассасаларида олиб борилаётган қурилишлардаги ишларини бажаришда фойдаланилади.

6. Навбатчи автомашиналар қўйидаги ишларни амалга оширади:

Тиббиёт муассасаларида, поликлиникаларда, туғруқхоналарда, қон хизмати муассасаларида, суд-тиббиёт экспертиза бюrolарида иш фаолиятини ташкил этиш учун консультант шифокорларни шошилинч вазиятларда тиббиёт муассасаларидан тушган чақириқларга асосан олиб бориш, қон ва қон махсулотларини ташишда банқдан маблағларни олиб келиш ва топшириш ишларини бажаради

7. Автомашиналар ишини тартибга солиш мақсадида, улардан фойдаланиш турига қараб, қўйидаги бирламчи ёзувлар бўлиши таъминлансин:

-Тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситаларининг олди қисмига “AMBULANCE”, орқа қисмига “AMBULANCE” ва “103” белгиси, икки ён тарафига “103”, қизил ярим ой тимсоли ва худуд номи.

Ушбу ёзувли махсус автотранспорт воситалардан фақат тез тиббий ёрдам бўлимлари томонидан шаҳобчалардан аҳолидан тушган чақириқларга хизмат кўрсатиш учун фойдаланишда ҳамда вазирликнинг 2017 йил 31 мартағи 131-сонли буйруғида белгиланган ва ишлаб чиқилган норматив, талабларга қаътий риоя қилиниши таъминлансин.

-Тиббий ёрдам автотранспорт воситаларининг олди ва икки ён тарафи қисмига “Санитар авиация” ҳамда икки ён тарафига худуд номи- санавиация хизматидаги автомашиналар учун.

-Икки ён тараф қисмига “Эпидхизмат”- эпидхизматидаги автомашиналар учун.

- Икки ён тараф қисмига “Тиббий хизмат” ва “Тиббий хўжалик хизмат” уларни қайси муассасага тегишли бўлгани тўғрисида махсус белги- тиббий хизмат, тиббий хўжалик хизмати ва навбатчи автомашиналар учун.